

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 20 июль куни Чўлпонота шахрига келди.

Аэропортда давлатимиз раҳбарини Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси Раҳбари Акилбек Жапаров ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммити олдидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари биргаликда «Номад» маданият марказига бордилар. Хунармандчилик буюмлари кўргазмаси кўздан кечирилди. Сўнг кўчманчилар ўйинлари намойиш этилди.

Марказий Осиё халқлари куй-қўшиқларидан тузилган концерт дастурида элларимиз бирлиги, маданий яқинлиги намойён бўлди.

Аввал хабар қилинганидек, 21 июль куни Чўлпонотада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади. Саммитда савдо, транспорт ва логистика, саноат кооперацияси, инновациялар, озиқ-овқат хавфсизлиги, туризм, маданий-гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорлики янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Минтақа етакчиларининг биринчи саммити 2018 йил март ойида Нур-Султон шаҳрида, иккинчиси 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида, учинчиси ўтган йилнинг август ойида Туркменистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган.

Ў.А.

Акс садо

ИНТЕГРАЦИЯ ҲОЯСИ

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги фаол ҳамда очик мулоқот улкан савдо-иқтисодий ва маданий-цивилизациявий салоҳиятни тўлиқ рўёбга чиқариш учун бекиёс имкониятлар яратади.



2021 йил июль ойида ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги Тошкент конференциясида давлатимиз раҳбари Марказий ҳамда Жанубий Осиё минтақаларининг тарихий яқинлигини қайд этиб, ушбу муносабатларни ўзаро ишонч ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлаган эди. Шу бўйича тегишли резолюция лойиҳасини ишлаб чиқиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига киритиш, унда Марказий ҳамда Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мулоқотнинг умумий ёндашувлари, асосий тамойиллари ва йўналишларини белгилаб қўйишни таклиф қилганди.

Эътиборлиси, резолюция нафақат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди, балки дунёнинг турли қитъаларида жойлашган 40 та мамлакат ҳаммуаллифлигида қабул қилинди. БМТнинг бош маслаҳат органи томонидан қабул қилинган резолюцияда ушбу олий даражадаги конференция ўтказилиши ва унинг якунида икки минтақа мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари томонидан маъқулланган қўшма баёнот юксак баҳоланган.

Халқаро жамоатчилик эшитuvi

АСОСИЙ ҚОНУНГА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ЯНГИ НОРМАЛАР КИРИТИЛИШИ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

2022 йил 20 июль куни Конституциявий комиссия, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, “Барқарор ривожланиш маркази” ННТ томонидан БМТ ваколатхонаси ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси кўмағида “Жаҳон конституцияларида хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларнинг акс этиши” мавзусида халқаро жамоатчилик эшитuvi уюштирилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ҳамакдорлик жамияти институтлари вакиллари, фақал халқаро экспертлар қатнашди.

Жамоатчилик эшитувининг мақсади — Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг аёллар, хотин-қизларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, соҳанинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш борасидаги тажрибаси борасида ўзаро фикр алмашиш ҳамда шу асосда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасига тегишли таклифлар ишлаб чиқишдир.

Иштирокчилар сўнгги йилларда гендер тенглик масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида эътироф этдилар. Бунда, авваламбор, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масалаларига оид 40 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги янги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон хотин-қизларни камситиш ва таъқиб қилишнинг барча шаклларида ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий

Анжуман

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати ва Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси ўртасида ҳамкорлик меморандумининг имзоланишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Меморандумни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси раиси Мухтор Умаров имзолади.

Ушбу ҳужжатда замонавий қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган иқтисодий ишхотларда бевосита иштирок этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудларнинг жадал ривожланишини таъминлаш ҳамда бюрократик тартиб-тамойилларни қисқартириш, экспортни рағбатлантириш назарда тутилган.

Сенат Раиси таъкидлаганидек, меморандум тадбиркорлар муаммоларини ҳал этишда парламент юқори палатасининг фуқаролик жамияти институтлари ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси 2021 йилда ташкил этилган бўлиб, у 13 та уюшма манфаатларини ҳимоя қилади ва ўз сафарига 100 мингга яқин тадбиркорларни бирлаштирган.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Финляндия:



ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР САБОҒИ



Сўнгги икки йилда Финляндия билан Ўзбекистон ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш учун қилинаётган ҳаракатлар натижаси ўларок, 2022 йилнинг 27 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон — Финляндия ташқи ишлар вазирларининг сиёсий маслаҳатлар бўйича 10-йиғилишида Шимолий Европа мамлакатларининг таълим соҳасидаги илғор ютуқларига асосланган замонавий хусусий олий таълим ташкилоти — Халқаро Нордик университетини очиш бўйича келишувга эришилди.

Унинг ташкил этилиши Финляндия томонидан Ўзбекистонда олиб

борилаётган ҳар томонлама шиддатли ислохотларнинг эътирофи, қолаверса, Шимолий Европа давлатлари — Финляндия, Швеция, Норвегия, Дания, Исландия ҳамда бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёда инсон капиталини ривожлантириш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Барқарор ривожланиш мақсадларига (SDG) эришиш ва халқаро лойиҳаларда муносиб иштирок этиш имконини беради.

4-саҳифага қаранг. ➡

босмахонаси. Корхона манзил
прилди — 01.10 1 2 3 4